

## УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМДА ЗАМОНАВИЙ САНЪАТ МАКТАБЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ КЛАСТЕР ТАМОЙИЛЛАРИ

А.С.Умаров

Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти  
Санъатшунослик факультети “Информатика ва менежмент”  
кафедраси профессори, и.ф.н

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7030847>

**Аннотация:** мақолада узлуксиз таълим тизимида бадиий таълим кластери ва унинг субъектлари зарурияти кенг талқин этилган. Бадиий таълим кластерининг асосий бўғини бўлмиш санъат мактаблари уларни ташкил этувчи омилларга урғу берилган.

**Калим сўзлар:** бадиий таълим кластери, санъат мактаблари, арт маркетинг, санъат ва маданият, тасвирий ва амалий санъат, дизайн, санъатшунослик, музейшунослик йўналишлари.

## КЛАСТЕРНЫЕ ПРИНЦИПЫ ОРГАНИЗАЦИИ ШКОЛ СОВРЕМЕННОГО ИСКУССТВА В НЕПРЕРЫВНОМ ОБРАЗОВАНИИ

**Аннотация:** в статье дается широкая трактовка необходимости кластера художественного образования и его субъектов в системе непрерывного образования. Художественные школы, которые являются основным звеном в кластере художественного образования, уделяют особое внимание факторам, которые их составляют.

**Ключевые слова:** кластер художественного образования, художественные школы, арт-маркетинг, искусство и культура, изобразительное и прикладное искусство, дизайн, искусствоведение, музееведческие направления.

## CLUSTER PRINCIPLES OF THE ORGANIZATION OF THE SCHOOL OF CONTEMPORARY ART IN CONTINUING EDUCATION

**Abstract:** the article gives a broad interpretation of the need for a cluster of art education and its subjects in the system of continuing education. Art schools, which are the main link in the cluster of art education, pay special attention to the factors that make them up.

**Keywords:** cluster of art education, art schools, art marketing, art and culture, fine and applied arts, design, art criticism, museological directions.

## КИРИШ

Узлуксиз таълим — ўзаро мантикий изчиллик асосида боғланган ҳамда соддадан мураккабга қараб ривожланиб боровчи ва бир-бирини тақозо этувчи босқичлардан иборат яхлит таълим тизими бўлиб, ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминловчи шахс, жамият ва давлатнинг иқтисодий, ижтимоий, илмий-техникавий ва маданий ва бадиий эҳтиёжларини қондирувчи устувор соҳадир. Узлуксиз таълим ижодкор, ижтимоий фаол, маънавий бой шахс шаклланиши ва юқори малакали рақобатбардош кадрлар тайёрлаш учун зарур шарт-шароитлар яратади.

Давлат учун узлуксиз таълим ҳар бир шахснинг касбий ва умумий ривожланиши учун мақбул шарт-шароитларни таъминлаш борасидаги ижтимоий сиёсатнинг етакчи соҳаси ҳисобланади, жамият учун эса, узлуксиз таълим ижтимоий ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг муҳим шarti, мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жараёнини тезлаштирувчи ҳамда унинг касбий ва маданий салоҳиятини ошириб боровчи механизм ҳисобланади. Жаҳон ҳамжамияти учун узлуксиз таълим халқаро ҳамкорлик

асосида миллий маданиятларни ва умуминсоний қадриятларни сақлаш, ривожлантириш ва ўзаро бойитиш усули ҳисобланади.

### АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДЛАР

Бадий таълимни ривожлантириш мактаб таълимини инсонпарварлаштириш усули сифатида қаралади. Шунинг учун узлуксиз бадий таълимнинг асосий мақсади, ўқувчи-ёшларни ҳаётга эстетик муносабатда тарбиялашдир. Дунёга эстетик муносабат - санъатнинг асоси бўлиб, инсон томонидан дунёнинг бадий ривожланиши ва узлуксиз таълим жараёнида санъат фанларини ўқитиш давомида ривожланиши мумкин. Бадий таълимни болалар боғчасидан бошлаш керак, ўрта мактабда, кейин олий таълимда доимий равишда давом эттириш керак. Узлуксиз бадий таълимнинг барча босқичларида педагогик жараён мактаб ўқувчилари ёшининг психологик хусусиятларига ва бадий таълим мазмунига табақалаштирилган ёндашувга асосланиши керак.

Узлуксиз бадий таълим, замонавий таълим тизимидаги ўзгаришларни шакллантирувчи механизм сифатида, арт маркетинг мутахассисларининг малакаси ва касбий компетенцияларининг ривожланишини белгиловчи ва умуман иқтисодиёт ва жамиятнинг бадий - ижтимоий ривожланиш даражасини оширувчи асосий омиллардан бири эканлиги билан асосланади. Узлуксиз бадий таълимнинг ривожланиши аҳоли турмуш тарзининг барқарорлашувига, кишилиқ жамиятининг эстетик жиҳатдан такомиллашувига ҳамда илмий-техник жараёнлар ва инновацион ўзгаришлар билан изоҳланади.

Санъат ва маданият ҳамда унинг таркибий қисми бўлмиш бадий таълимга қаратилаётган эътибор ва ғамхўрлик, яратилаётган имкониятлар натижасида юртимиз тасвирий ва амалий санъати, музейшунослик, дизайн соҳаларида улкан ўзгаришлар кўзга ташланмоқда. Хусусан, 2020 йилнинг 21 апрель куни эълон қилинган “Тасвирий ва амалий санъат соҳаси самарадорлигини янада оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент Қарори соҳада янги тарихий даврни бошлаб берди десак, муболаға бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги бадий таълимни ривожлантириш бўйича кўплаб меъёрий ва норматив ҳужжатлар ишлаб чиқилган бўлиб, уларнинг амалий ижроси таълим кластери доирасида бадий таълим кластерини шакллантириш заруриятини кўрсатади. Бу борада Вазирлар Маҳкамасининг 21.06.2021 йилдаги “Ўзбекистон Бадий академияси ҳузуридаги бадий таълим йўналишларида педагог ва мутахассис кадрларни қайта тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини ошириш маркази фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги [385](#)-сон қарори қабул қилинди.

### МУХОКАМА

Бадий таълим кластерини ташкил этишнинг ўзига хос механизмлари бўлиб, Кластер модели ҳар бири алоҳида фаолият олиб бораётган субъектларни умумий мақсад атрофида бирлаштиради ва айни пайтда, ҳар бир субъект умумий мақсаддан келиб чиққан ҳолда хусусий манфаатдорликда иш юритади. Кластер модели субъектлари бир-бирини қўллаб-қувватлайди ва назорат қилади, ҳар бири алоҳида кластернинг маънавий ва интеллектуал майдонини яратади, ижтимоий таъсири ҳамда аҳамиятини кенгайтиради.

Бадий-ўқув кластери - бу асосан занжир ичидаги горизонтал алоқаларга асосланган инновацион занжир “фан - ижодкорлик - бизнесда ўқитиш, ўзаро ўрганиш ва ўз-ўзини ўрганиш воситалари” тизимидир. Бадий таълимга кластерли ёндашув санъат ва бадий таълимнинг асосий ўқув жараёнлари ўртасидаги муносабатларни яхшироқ тушунишга ёрдам беради.

Бадий санъат узоқ вақтдан бери жуда мураккаб билиш фаолияти ҳисобланади. Тан олиш керакки, бадий таълим соҳасида сўнги тадқиқот шуни кўрсатмоқдаки, бадий санъат билан шуғулланувчи ўқувчиларнинг билим олиши билимларни ўрганиш ва ёритишга уринишда асосан, когнитив жараёнларни, бадий асарларни яратишга бўлган воқеий ходисаларни кўпроқ талқин этади.

Бадий таълим санъатини ўрганиш жараёнида, когнитив вазифалар жараёни мақсадли идрок этиш, ишлаб чиқиш, муаммони ҳал қилиш ва ижодий элементар ва фикрлаш жараёнини аниқлаш, мантиқий тафаккур, бадий ижодда ўзига хослик ва абстракт тафаккурнинг ривожлантириши билан фарқланади. (Деасй, 2002).

Бадий таълимда когнитив билимлар билан бир қаторда аффектив вазифалар ҳам мавжуд бўлиб, аммо улар ўртасидаги боғлиқлик халигача ўрганилмаган. Бадий санъатнинг турли йўналишларида композиция, импровизация, интерпретация ва ижро орқали улар ягона мақсадларда бирлашади.

Бадий таълим: тасвирий ва амалий санъат, дизайн, санъатшунослик ҳамда музейшунослик йўналишларида мутахассислик фанлари бўйича педагог ва мутахассис кадрлар тайёрлаш билан шуғулланувчи санъатнинг ажралмас тури бўлиб, бадий таълим билан шуғулланиш, давлат ихтисослашмаган мактабларининг ҳам асосий таркибий қисмига айланган ва турли академик фанларни ўқитишдаги интеграцион таълимий жараёнлар бадий таълимни ривожлантириш заруриятини асослайди.

Кўплаб хорижий тадқиқотчилар олиб борган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, бадий таълим ўқувчиларда бадий асар яратиш жараёнида, турли хиссий - эмоционал жараёнларни тасаввур қилишга ва бадий асар билан боғлиқ ходисаларни ёритишда билимларни чуқур ва кенг эгаллашга ёрдам беради.

### **НАТИЖАЛАР**

Бадий таълим шаклларининг ҳар бири ўзига хос жисмоний, когнитив-билиш жараёни, хиссий-эмоционал жараёнларни ва фикрлаш усуллари ва ҳаракатларин қамраб олади. Муайян экспрессив фаолиятни ўрганиш, тасвирий ва амалий санъат билан шуғулланиш, моделлаштириш, композиция, реставрация ва санъат жараёнларининг бадий таҳлили билан боғлиқ бўлган билиш жараёнларини тушуниш, ўрганиш учун муҳим самарали таълим амалиёти кластер ёндашувларни талаб этади.


Бундай бадий жараёнларни таҳлил қилиш, уларни тартибли тизим асосида умумий мақсаддан - хусусий манфаат томонга йўналтириш "бадий ижод" нинг такрорланувчи жараёнларини бошдан кечиришни (узлуксиз шаклий баҳолаш асосида шахснинг бадий ғояларни такомиллаштириш)ни ривожлантириш керак эканлигини асослайди.

Бадий таълим ўқувчининг илмий ижодкорлигини ривожлантирибгина қолмай, уларнинг янги ғояларни ва илмий тушунчаларни англаш жараёнида ҳам асосий вазифани бажаради. Мисол тариқасида: Да Винчи, Эйнштейн, Крик ва доктор Ватсон каби олимлар илмий ишларини мисол келтириш мумкин. Туфте томонидан олиб борилган тадқиқотлар, шуни кўрсатадики, бадий ижодга асосланган тушунчалар билиш жараёнини янада чуқурлаштириб, ривожлантириши тажрибаларда исботланган.

Бадий таълимни ўқитиш, ўқувчи - талабаларнинг етук ишлаб чиқариш ходимлари бўлишга, бадий санъатнинг зиёли истеъмолчисига айланишига ёрдам беради. Маданий анъаналарга асосланган бадий санъат ёшларга ўз маданияти билан янада чуқурроқ танишиш ва ўз маданиятини бошқа инсонлар билан баҳам кўриш имконини беради. Келиб чиқиши турли хил бўлган талаба ёшлар санъатнинг бадий йўналиши орқали бир-бири

билан мулоқот қилишга ва ўзаро ҳамжиҳатликда фойдаланишлари мумкин. Бадий таълим - санъати ирқ, маданият ва ижтимоий-иқтисодий чегараларни тан олмайди.

Ўзбекистон бадий таълим кластери тузилмасига қуйидаги муассасалар киритилиб, унинг асосий субъектлари сифатида эътироф этилади.



1-расм. Ўзбекистон Бадий таълимнинг кластер тузилмаси.

Бадий таълим кластерини ташкил этишда узлуксиз таълим тизими доирасида кенг фаолият олиб борилиб, бунда республикамизнинг чекка ҳудудларидан келиб таҳсил олаётган ўқувчиларга қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида, Республика рассомлик коллежи (П. Беньков), Республика дизайн коллежи, Нафис санъат мактаби, Қўқон тасвирий ва амалий санъат колледжи ўз фаолиятини умумий ўрта махсус таълим тизимидан бошлаб соҳанинг етук мутахассисларини ва ижодкор ёшларни тайёрлашга қаратган.

Бадий таълим кластери узлуксиз таълим тизимидаги барча ихтисослаштирилган санъат мактаблари ҳамда мактаб – интернатлари, рассомлик маҳорат устaxonалари, Камолиддин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти, Ўзбекистон Бадий ижодкорлар уюшмаси, Тошкент фотосуратлар уйи, халқаро маданият карвонсаройи ва бадий кўргазмалар зали, музейлари амалиёт базалари, илмий ва илмий-методик тузилмаларнинг бир бутунлиги бўлиб, уларнинг биргаликдаги тақсимланган фаолияти бадий таълим тизимини сифат жиҳатидан янги даражага кўтариш имкониятини беради.

Бинобарин, кластернинг асосий мақсади ўз таркибига кирувчи таълимий-илмий – ижодий – бадий - инновацион салоҳиятни нафақат юқори фуқаролик ва касбий лаёқатлилик даражаси билан, балки рақобатбардошлиги, янгиликларни қабул қила олиш қобилияти, янги таълим дастур ва технологияларини лойиҳалаш ҳамда амалга ошира олиш қобилиятига эга замонавий таълим мутахассисларини тайёрлаш учун бирлаштиришдир.

Қуйидагилар бадий таълим кластер моделининг субъектлари сифатида иштирок этади:

- бадий таълим йўналишида таҳсил олаётган ўқувчилар, талабалар, магистрантлар ва докторантлар тасвирий, амалий ва дизайн санъати йўналишида амалиёт ўтайдиган, бадий ва таълимий, илмий тадқиқотчилик, инновацион ва лойиҳалаштириш фаолиятини олиб борадиган ўқув ва тажриба устахонаси вазифасини ўтайдиган мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, олий ва кўшимча таълим муассасалари;

- таълимнинг турли даражаларидаги янгиланишларга мувофиқ равишда катталарнинг кўшимча таълими тизими муассасалари, болалар ва ўсмирларнинг мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус касб-хунар таълими, мактабдан ташқари болалар ижод уйлари ҳамда бадий таълим йўналишидаги педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш муассасалари, бадий ижодкорлар уюшмаси;

- ҳамкорликдаги илмий тадқиқот фаолияти билан шуғулланаётган ва уни белгилайдиган илмий - ижодий ва бадий - методик тузилмалар, устахоналар, фотогалериялари, Шарқ миниатюра санъати музейлари, ижод марказлари;

- халқаро бадий ҳамжамиятлар, биналийлар, тасвирий ва амалий ҳамда дизайн санъати кўргазма заллари, ташаббускор жамоалар, жамоат бирлашмалари, давлат ва нодавлат ташкилотлари;

- жаҳондаги етакчи бадий академиялар, хорижий бадий таълим муассасалари ва бадий – ижод марказлар киритилади.

Бадий таълимда тасвирий ва амалий санъат ҳамда дизайн соҳасини узлуксиз ва узвийликни таъминлашда методологик функция қуйидагиларга бўлинади:

- Бадий таълимда тасвирий ва амалий санъат ҳамда дизайн соҳасининг бадий динамикаси қонуниятларини бирлиги ва қарама-қаршилигини акс этувчи динамик тузилма;

- Бадий таълимда тасвирий ва амалий санъат ҳамда дизайн соҳасини узлуксиз ва узвийлигини таъминлашда бадий - педагогик ўлчов сифатида, аввалги, ҳозирги ва келажакдаги ўзаро таъсирлашувдан ташкил топган тузилма;

- Бадий таълимда тасвирий ва амалий санъат ҳамда дизайн соҳасини узлуксиз ва узвийликни таъминлашда ўқув-тарбиявий жараён ва унинг натижасининг яхлитлигини таъминловчи интегратив бирликлар ташкил этади.

**ХУЛОСА.** Ўзбек тасвирий ва амалий санъати ҳамда дизайн йўналишларини янада ривожлантириш, халқимизнинг ушбу нафис санъатларга бўлган эстетик эҳтиёжини қондириш, кенг йўналишда фаолият олиб бораётган мутахассисларнинг ижодий имкониятларидан унумли фойдаланиш, уларга шарт-шароит яратиш, бадий салоҳиятини ошириш мақсадида, бадий таълим кластерини шакллантириш ва замон талабларига мос бадий таълим тизимини кенг йўлга қўйиш давр талаби сифатида қаралади.

Бой бадий мероси билан жаҳон санъати ва маданияти ривожига катта ҳисса қўшган қадимий цивилизация ўчоғи сифатида миллий бадий анъаналарнинг ўзига хослигини сақлаб келаётгани янги Ўзбекистон ривожига миллий анъаналарни авлодлар ва дунё халқлари нигоҳига етказиш муҳим.

#### Фойдаланилган адабиётлар

1. 06.08.2017 йилдаги. Ўзбекистон Бадий академияси фаолиятини ривожлантириш ва янада такомиллаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида ПҚ-3219-сон.
2. Нодирбек Сайфуллаев. (2021). Юртимиз бадий таълим соҳасининг эртанги ривожини учун яна бир муҳим асос яратилди. *Қамолiddин Беҳзод номидаги Миллий*

- рассомлик ва дизайн институти АХБОРОТНОМАСИ илмий-амалий журнали*, 5(01).
3. Retrieved from <https://www.bringsofttechnologies.com/journals/index.php/bnifadnakb/article/view/1>
  4. Умаров А.С. узлуксиз таълим тизимида бадий таълим инновацион кластери. "International Scientific Research Conference" Belarus, International scientific-online conference. MINSK-2022
  5. [https://www.norma.uz/qonunchilikda\\_vangi/badiiy\\_akademiva\\_o'quv\\_markzinin\\_g\\_vazifalari\\_belgilandi](https://www.norma.uz/qonunchilikda_vangi/badiiy_akademiva_o'quv_markzinin_g_vazifalari_belgilandi)
  6. Саодат Тоштемирова. "Таълим кластерининг педагогик стратегиялари: талаб ва таклиф". Academic Research in Educational Sciences ISSN: 2181-1385 DOI: 10.24412/2181-1385-2022-3-257-267. Volume 3 Issue 3 2022 Cite-Factor: 0,89 SIS: 1,12. SJIF: 5,7| UIF: 6,1
  7. Шахло Исамиддиновна Ботирова. ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES VOLUME 1 | ISSUE 3 | 2020 ISSN: 2181-1385 Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2020: 4.804. ПЕДАГОГИК ТАЪЛИМ ИННОВАЦИОН КЛАСТЕРИ ЯНГИ УСТУВОР ЙЎНАЛИШИ СИФАТИДА.
  8. Eisner, E. (2002). *The arts and the creation of mind*. New Haven, CT: Yale University Press; Perkins, D. (1994). *The intelligent eye: Learning to think by looking at art*. Los Angeles, CA: The Getty Center for Education in the Arts
  9. <https://qomus.info/encyclopedia/cat-u/uzluksiz-talim-uz/>
  10. [http://iqtisodiyot.tsue.uz/sites/default/files/maqolalar/15\\_Abdurakhmanova.pdf](http://iqtisodiyot.tsue.uz/sites/default/files/maqolalar/15_Abdurakhmanova.pdf)
  11. Eisner, E. (2002). *The arts and the creation of mind*. New Haven, CT: Yale University Press; Greene, M. (2001). *Variations on a blue guitar: The Lincoln Center lectures on aesthetic education*. New York, NY: Teachers College
  12. У.Нургаев. узлуксиз таълим маҳсус сон 2020 й. <http://reja.tdpu.uz/shaxsiyreja/views/article/files/3099/3%20%D0%9D%D1%83%D1%80%D1%82%D0%BE%D0%B5%D0%B2.pdf>  
<file:///C:/Users/User/Downloads/pedagogik-talim-innovatsion-klasteri-yangi-ustuvor-y-nalish-sifatida.pdf>
  13. Mirzaeva PhD, N. A. (2021). PEDAGOGICAL INNOVATION EDUCATION CLUSTER IN THE DEVELOPMENT OF NATURAL SCIENCE LITERACY: THE CHIRCHIK EXPERIENCE IS IN PRACTICE. *Central Asian Journal of Education*, 6(1), 1-11.
  14. Mirzaeva, Nodira (2019) "THEORY AND PRACTICE OF ECOLOGICALCOMPETENCE IN STUDENTS," *Central Asian Journal of Education*: Vol. 3, Article3.
  15. Deasy, R. (Ed.). (2002). *Critical links: Learning in the arts and student academic and social development*. Washington, DC: Arts Education Partnership.
  16. Умаров, А. С., Рахимов, А. К., & Мирзаева, Н. А. (2022). ДАРС СИФАТИНИНГ ТАҲЛИЛИ–ТАЪЛИМ ТАРАҚҚИЁТИ МЕЗОНИ. *TA'LIM VA RIVOJLANISH TAHLILI ONLAYN ILMIY JURNALI*, 80-88.